Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● 3 август 1969 йил, якшанба ● № 179 (14.342). ● Баҳоси 2 тийин.

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

● *Ҳаво салқин келиши натижасида гўзалар говлаб, ҳосилсиз шохлар кўпайиб кетяпти* ● Лекин табиатнинг жилови қўлимизда: Ҳамма жойда оқилона иш тутиб, тажрибакор деҳқонлар маслаҳатига амал қилайлик ● Қатор ораларини ишлашни тўхтатмай, тупроқнинг тез ҳаво алмашиб туришини таъминланг ◆ Чеканкани сифатли ва тез ўтказайлик ■ Ҳамма шохини чилпишни унутманг ● Ҳосилсиз шохини юлиб ташланг ◆ *Мумкин қадар гўнг ва бошқа маҳаллий ўғит солиб, ернинг бағрини иситинг* ● Шонани гулга, гулни кўсакка айлантиринг!

СИРДАРЕ областининг Пахтакор районидаги «Пахтакор» совхози 1-бўлими комплекс бригада бошлиғи Х. Эрназаровнинг номини барча ҳурмат билан тилга олади. У шу кунларда гўза қатор ораларига сифатли ишлов бермоқда. Моҳир механизатор мавсумда пахтанинг 80 процентини машинада териб олиш ниятида.

А. Тўраев фотоси.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАР ҚУРИЛИШИНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Совети 1969 йилда минерал ўғитлар ва улар учун хом ашё ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналарни қуриш ва ишга тушириш юзасидан белгиланган топшириқлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги масалани караб чиқди ва ана шу корхоналар қурилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан махсус қарор қабул қилди.

СССР Химия саноати министрлигига, қурилиш министрликларига ва СССР Энергетика ҳамда Электрлаштириш министрлигига минерал ўғитлар ва улар учун керакли хом ашёларни, шунингдек ўсимликларни ҳимоя қилиш химиявий воситаларини ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш юзасидан 1969 йилга белгиланган топшириқларнинг ҳар қандай шароитда бажарилишини таъминлаш учун зарур чоралар кўриш тўғрисида кўрсатма берилди.

Министрликлар қурилишда, хусусан Березники, Сумм, Роздоль каби, биринчи ва иккинчи Солигорск, Горловка, Актюбинск, Ново-Кемерово, Черно-Реченский, Гаурдак комбинатлари, Қоратовдаги кон-химия комбинати, Березники, Ровно, Қрим, Гродно, Гомель, Стерлитамак, Константиновский, Жамбул, Уварово ва Куйбишев заводлари, шунингдек Юқори Кама кони каби йирик корхоналар қурилишида йўл қўйилган қолоқликни тугатиш чораларини амалга оширишлари керак.

Шу билан бирга Химия саноати, Рангли металлургия, Қора металлургия министрликлари ва Қурилиш министрликларига Навоий, иккинчи Березники, учинчи Солигорск, Сумм, Жезқазғон, Магнитогорск комбинатларида, Ионавск, Гродно, Ровно ва Константиновский заводларида минерал ўғитлар ва улар учун керакли хом ашёларни ишлаб чиқарувчи қувватларни (бу қувватларни ишга тушириш бутун йилга мўлжалланган) 1970 йил II-III кварталларида ишга туширишни таъминлаш чораларини амалга ошириш топширилди.

СССР Химия саноати министрлиги минерал ўғитлар, улар учун керакли хом ашё ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларини ишлаб чиқариш юзасидан 1969 йилда бутун саноат, озиқ-овқат, гўшт ва сут саноатини, савдо-сотиқни ва химиявий тола ҳамда маиший хизмат кўрсатишда ишлатиладиган химиявий маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарни жадал ривожлантиришни талаб этади. Аммо бу соҳаларда калитал қурилиш планлари ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш юзасидан берилган топшириқлар ҳали пухта бажарилмаётир ва кўп объектларда қурилиш-монтаж ишлари ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш планини бажаришда анча орқада қолинишига йўл қўйилмоқда.

Қарорда бундай дейилади: енгил саноат, озиқ-овқат, гўшт ва сут саноати, савдо-сотиқ иншоотлари ва химиявий тола ҳамда маиший хизмат кўрсатишда ишлатиладиган химиявий маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналар қурилишида қолоқликни бартараф қилиш ва бу тармоқларни ривожлантириш юзасидан халқ хўжалик планларида белгиланган топшириқларни сўзсиз бажаришни таъминлаш — иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг, қурилиш министрликлари ва идораларнинг ҳамда заказ берувчи тегишли министрликларнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Қурилиш министрликлари ва идораларга, заказ берувчи министрликларга ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига саноатнинг юқорида кўрсатиб ўтилган соҳаларидаги қурилишларда ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини ишга тушириш юзасидан 1969 йилга белгиланган топшириқларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, шунингдек 1970 йилда иш ҳажми ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш юзасидан бериладиган топшириқлар ҳажмининг ортиб боришини ҳисобга олиб, ана шу соҳалардаги қурилишда банд бўлган қурилиш-монтаж ташкилотларининг қувватларини орттириш учун қўшимча тадбирларни амалга ошириш топширилди.

Шу билан бирга, саноатнинг юқорида айтиб ўтилган соҳаларида корхоналар қуриш билан банд бўлган ташкилотларни моддий-техника ресурслари билан тўла таъминлаш ва уларни, биринчи навбатда ишга тушириладиган объектлар қурилишида банд бўлган ташкилотларни ишчилар билан таъминлаш учун зарур чоралар кўриш тўғрисида кўрсатма берилди.

Бундан ташқари, қарорда саноатнинг ана шу тармоқларидаги ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ва ишга тушириш юзасидан белгиланган топшириқларни бажаришни таъминлашга қаратилган бошқа тадбирлар ҳам кўзда тутилди.

КОНТИНЕНТАЛЬ ШЕЛЬФ ТАБИИЙ БОЙЛИКЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

СССР Министрлар Совети «СССР континенталь шельфидаги ишларни бажариш ҳамда химиявий тола ва маиший хизмат кўрсатишда ишлатиладиган химиявий маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналар қурилишининг борини тўғрисида қарор қабул қилди.

Қарорда айтилдики, қишлоқ хўжалиги ва химиявий хом ашёларнинг ортиб бораётган ресурсларини қайта ишлаб берувчи зарур қувватларни вужудга келтириш вазифаси аҳолининг халқ истеъмоли товарларига бўлган талабини тўлароқ қондириш мақсадида енгил саноат, озиқ-овқат, гўшт ва сут саноатини, савдо-сотиқни ва химиявий тола ҳамда маиший хизмат кўрсатишда ишлатиладиган химиявий маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарни жадал ривожлантиришни талаб этади. Аммо бу соҳаларда калитал қурилиш планлари ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш юзасидан берилган топшириқлар ҳали пухта бажарилмаётир ва кўп объектларда қурилиш-монтаж ишлари ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш планини бажаришда анча орқада қолинишига йўл қўйилмоқда.

Қарорда бундай дейилади: енгил саноат, озиқ-овқат, гўшт ва сут саноати, савдо-сотиқ иншоотлари ва химиявий тола ҳамда маиший хизмат кўрсатишда ишлатиладиган химиявий маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарни қурилишида қолоқликни бартараф қилиш ва бу тармоқларни ривожлантириш юзасидан халқ хўжалик планларида белгиланган топшириқларни сўзсиз бажаришни таъминлаш — иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг, қурилиш министрликлари ва идораларнинг ҳамда заказ берувчи тегишли министрликларнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Қурилиш министрликлари ва идораларга, заказ берувчи министрликларга ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига саноатнинг юқорида кўрсатиб ўтилган соҳаларидаги қурилишларда ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини ишга тушириш юзасидан 1969 йилга белгиланган топшириқларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, шунингдек 1970 йилда иш ҳажми ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш юзасидан бериладиган топшириқлар ҳажмининг ортиб боришини ҳисобга олиб, ана шу соҳалардаги қурилишда банд бўлган қурилиш-монтаж ташкилотларининг қувватларини орттириш учун қўшимча тадбирларни амалга ошириш топширилди.

Шу билан бирга, саноатнинг юқорида айтиб ўтилган соҳаларида корхоналар қуриш билан банд бўлган ташкилотларни моддий-техника ресурслари билан тўла таъминлаш ва уларни, биринчи навбатда ишга тушириладиган объектлар қурилишида банд бўлган ташкилотларни ишчилар билан таъминлаш учун зарур чоралар кўриш тўғрисида кўрсатма берилди.

Бундан ташқари, қарорда саноатнинг ана шу тармоқларидаги ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ва ишга тушириш юзасидан белгиланган топшириқларни бажаришни таъминлашга қаратилган бошқа тадбирлар ҳам кўзда тутилди.

МОСКВАДА ОНКОЛОГИК ИЛМИЙ МАРКАЗ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети 1969 йил 12 апрелда Бутуниттифоқ юбилей шанбалигида қилинган холис меҳнат натижасида олинган маблағлар ҳисобига Москвада рак касалликларининг олдини олиш ва даволаш проблемаларини ҳар томонлама ўрганиш ҳамда ишлаб чиқиш учун йирик онкологик илмий марказ қуриш тўғрисида қарор қабул қилганликлари ҳақида матбуотда хабар берилган эди.

Шу қарорга мувофиқ, СССР ҳукумати СССР Соғлиқни сақлаш министрлигига 1971-1975 йилларда Москвада онкологик илмий марказ учун бинолар ва иншоотлар комплексини (шу жумладан 1.000 ўринли клиника), бу ерга келувчи олимлар учун меҳмонхоналар, ана шу марказ ходимлари учун уй-жой ва маданий маиший объектлар қуришни топширди.

Москва шаҳар Совети ижроия комитетига онкологик илмий марказ иншоотлари қурилишига доир зарур лойиҳа ҳужжатларни ўз қарамоғидаги лойиҳалаш ташкилотлари кучи билан ишлаб чиқишни таъминлаш ва ана шу иншоотларни қуриш соҳасидаги ишларни қарорда белгиланган муддатда «Главмосстрой» кучи билан бажариш таклиф этилди. Лойиҳанинг технологик қисмини ишлаб чиқиш СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги зиммасига юклатилди.

*) Совет Иттифоқининг соҳил ёки орол ларига туташган сув ости районларидаги денгиз юзаси ва таги.

ТЕМИР ЙЎЛЧИЛАР БАЙРАМИ

1 августда В. И. Ленин номидаги марказий стадионнинг спорт саройида Бутуниттифоқ темирйўлчилар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилиш президиумида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Д. С. Полянский, СССР министрлари, пойтахтдаги совет, партия ва касаба союз ташкилотларининг вакиллари, Москва темирйўлининг энг яхши кишилари ҳозир бўлдилар.

Йиғилиш аҳли КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайлади.

Йиғилишда йўллар министри В. П. Бешчев нутқ сўзлади.

Йиғилиш иштирокчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига табрикнома қабул қилдилар.

ЯНГИ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ

Ярославлда янги давлат университети ташкил этилмоқда. Бу университет 1971 йилда дастлабки студентларни қабул қилади.

1969 йилда Кемеровода яна бир олий ўқув юрти очилади. Бу—давлат маданият институтидир.

Вильнюсда Каунас политехника институтининг Вильнюс филиали негизида Литва ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг инженерлик қурилиш институти вужудга келтирилади.

ЖОНКУЯРЛАР

Хўжалигимиз 3-4 йилдан буён ипак пахта етиштирмоқда. Бу нав пахтадан мўл ҳосил олинаётганлиги туфайли колхозимиз экономикаси юксалиб, колхозчиларнинг моддий манфаатдорлиги ошяпти. Айниқса, ўтган йил қўлга киритилган ютуқлар қувончли бўлди. 1400 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Бир гектар ердан олинган даромад 1785 сўмни ташкил этди. Бир иш кунининг қиймати эса 5 сўм 52 тийинни ташкил этди. Бу коммунистлар етакчилигида меҳнат қилган коллективнинг муваффақиятидир, албатта.

Колхозчиларимиз бу йил янада каттароқ маррани кўзлаяптилар. 1400 гектар майдонда гўза ўстираётган пахтакорларимиз ҳосилдорликни гектар бошига 30 центнерга етказиб она-Ватанга 4200 тонна пахта ҳадя этмоқчи.

КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1968 йил) Пленуми партия ташкилотлари зиммасига қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада тез суръатлар билан ривожлантиришда коммунистларнинг ташаббускорлигини оширишдек муҳим вазифани юклади. Бу ҳаётий масала билан колхоз партия ташкилоти чинакамига шуғулланмоқда. Коммунистлар пахтачиликни кескин юксалтиришни асосий мақсад қилиб қўйганлар. Бу соҳада учрайдиган ҳар қандай қийинчиликлар бартараф қилинмоқда. Бу йилги баҳор деҳқонни анча шошириб қўйди. Лекин, коммунистлар эсанкирамадилар, чигит экиш тадбирлари тузиб чиқилди ва бу иш муваффақиятли тугалланди. Барча майдонларда уруғ бир текис ундириб олиниб, тўла гектарлар ҳосил қилинди.

Гўза парваришини кучайтириш юзасидан партия ташкилоти қатор тадбирлар белгиладди. Дала меҳнаткашларига қулай маданий-маиший шароитлар яратиб берилди. Мавсумий боғча-яслилар, новвойхона ва савдо дўконлари мунтазам ишламоқда. Оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишлар савияси оширилди.

Август — ҳосил тўплаш ойи. Бинобарин, шу долзарб палада барча оммавий-сиёсий ишлар дала шийпонларига кўчирилди. Далада ишлаётган коммунистлар катта ташкилотчилик ишларини олиб бормоқдалар. Улар гўза ва маккажўхори парваришида ҳам, ем-хашак тайёрлаш ва галла ўримйиғимида ҳам, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда ҳам шахсий намуна кўрсатиб ишлаётган ишчилар ва ишлаб чиқариш бригадаларидаги ишларни бажариш тартиби ва унинг табиий бойликларини муҳофаза қилиш тўғрисида» қарор қабул қилди. СССР континенталь шельфи*) табиий бойликларини текшириш, разведка қилиш ва ишлаб чиқишга бу бойликлар белгиланган тартибда рўйхатга олинганидан кейингина йўл қўйилади, деб белгиланди. СССР континенталь шельфида иншоотлар ва бошқа установкалар қуриш, уларни таъминлаш ва ишга тушириш, муҳофаза қилиш ва тугатиш ишлари шельфнинг табиий бойликларини разведка қиладиган ва қазиб оладиган министрликлар ҳамда идоралар тасдиқлаган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

Континенталь шельфдаги ишларни бажарадиган ташкилотлар ва шахслар шельфнинг табиий бойликларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишлари, шельф ва сув муҳитининг саноат ҳамда бошқа хўжалик чиқиндилари билан, кўлмак сувлар, радиоактив моддалар, ишлаб чиқариш чиқиндилари билан ифлосланишига йўл қўймасликлари, ўсимлик ва жониворларни сақлаш чораларини кўришлари лозим.

Тегишли органлар СССР континенталь шельфидаги ишларни бажариш вақтида шельфнинг табиий бойликларини қазиб олиш юзасидан риоя қилиниши лозим бўлган қоида ва талабларнинг бажарилиши устидан давлат назоратини амалга оширадилар. СССР континенталь шельфи табиий бойликларини муҳофаза қилиш СССР балиқчилик хўжалиги министрлигининг балиқларни муҳофаза қилиш органлари зиммасига юклатилди.

АДРЛАР БАҒРИДА

Чортоқдан Янгиқўрғон томонга йўл олганингизда паст-баланд адрлар бағридаги пахтазорларда унаётган ҳосилни кўриб қувонасиз.

Навоий номли колхоз партия ташкилотининг секретари Аҳмаджон Абдуллаев бизга бу ерларнинг ҳозирги кунини сўзлаб берди.

Гўзалар энди лаб очганида май ойининг бошларида қаттиқ сел ҳаммасини нобуд қилиб кетди. Бу ерда бир неча йилдан буён ҳозирги янги раисимиз, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тожиддин Иномов пахтадан юқори ҳосил етиштирар эдилар.

Янги бригадир Умматали Жўрабоев сел-дўлга бўш келмади. У чинакам меҳнат қилиб, техниканинг ёрдамида ўз аъзолари билан ҳосилни берган ваъдасига етказмоқ учун қайта экиб бўлса ҳам гўзани жонлангириб олди.

Умматали сергайрат йигит. У бир неча йил давомида Тожиддин ака билан бирга ишлади, тажриба ўрганди. Мана, табелчиликдан бригадирликка кўтарилди. Бригада аъзолари 75 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олишга қатъий сўз берган. Ҳозирдан чамалаганда иш ёмон бўлмайди. Навоий номли колхознинг 1500 гектар ериданн 3850 тонна ҳосил топширишга ахд қилган пахтакорлар бу колхозда мўл ҳосил тўпламоқдалар.

Кеча-кундуз гўза бошида парвона пахтакорлар ҳосилга катта умидлар қилмоқдалар.

Колхозда тонгдан оқшомгача бетиним кунлар мазмунли ўтади. Биров культвация билан банд бўлса, универсалчи йигит парвариш билан гўза бошида парвона. Партком Аҳмаджон Абдуллаев дала шийпонларида колхозчиларнинг дам олишини яхши ташкил қилишни кўпроқ ўйласа, раис Тожиддин Иномов бу йил юбилей йили ҳосилини баракали кўтармоқ учун эгатларни айланиб ҳар бир гўза тупи ҳақида парвона бўлишни бригадирларга уқтиради.

Навоий номли колхозда улуғ шоиримизнинг муборак номига яраша иш бўлмоқда. Районнинг Чортоқ зонасидаги машъал хўжаликлардан бири бу пахта конида одамлар жуда аҳил. Шунинг учун ҳам ҳосилнинг гамини ҳозирдан еб, терим бошланганда ўн бешта машинада сара пахта тердириб, давлатга топшириш учун ҳаракат зўр.

Азамат эл, пахтакор дил, мана бу йил Янгиқўрғон районининг шарафига кўтармоқ учун ўйлаб катта хўжаликлар қатори хирмон барекасига ҳозирдан ҳосил тўпламоқдалар.

Ю. ҲАМДАМОВ.

ШОЛИ — ҚИММАТЛИ ДОН

Хўжалигимиз азим Сирдарёнинг қиргоғида жойлашган. Бу ҳол шоликорлик билан шуғулланишга ва уни муттасил ривожлантиришга катта имконият туғдиради. Шу жиҳатдан хўжалигимиз районда шоли етиштириш жиҳатдан салмоқли ўринни эгаллаб келаётир. Бу йил 300 гектар майдонга шоли экканмиз. Махсус шоликорлик бўлими ташкил қилинди. Бўлимга суяги шоликорлик билан қотган, сергайрат коммунист ўрток Ким Фёдор бошқарувчи қилиб тайинланди.

Шоли ниҳоятда нозик, сермеҳнат ўсимлик. Эрта кўкламдан то кеч кузгача меҳнат қилишни талаб этади. Меҳнат қилганда ҳам сув кечиб меҳнат қилиш керак бўлади. Бунга унча-мунча, яъни шу ишнинг сирини билмаган одам тоб беролмайди.

Биз шоликорлик бўлимини ташкил қилар экканмиз, аввало ана шуларга эътиборни қаратдик. Шоликорлик билан кўп йиллардан бери шуғулланиб келаётган, унинг сирини биладиган, меҳнатқа чидайдиган кишиларни бу ишга жалб қилдик. Шоли экиладиган майдонларни ҳам дарё бўйидан танладик. Бўлим шоликорлари эрта кўкламдан ишга жуда зўр иштиёқ билан киришиб кетдилар. 250 гектар эски шолипояларни ва 50 гектар янги ерни экишга яхшилаб тайёрладилар. Янги ерни ўзлаштиришда, айниқса тракторчилар катта ғайрат кўрсатишди. Пол олиш иши ҳам асосан механизация кучи билан бажарилди. Шундай қилиб, шоликорларимиз экишни ҳар йилгидан бир ҳафта олдин сифатли тугалладилар. Биз илгаралари шоли учун сувни ариқдан олар эдик. Бу анча қийинчиликларга сабаб бўларди. Бу йил эса сувни дарёдан насос орқали оляпмиз. Натижада шоли кўчатлари бехато, текис ўсмоқда. Экинни икки марта ўтоқдан чиқардик. Икки марта озиқлантирдик. Бу йил шолини ўтоқ қилишда гербициддан фойдаландик. Ниҳоят яхши натижаларга эришдик, қўл меҳнати кескин камайди. Бу — курмакка қарши курашнинг энг қулай ва яхши тадбир эканлигини ҳам кўрсатди.

Бу йил ҳар гектар ердан 25 центнердан ҳосил олишни ният қилган эдик. Ишимизнинг кетиши ва экиннинг ривожини назарга олиб, ҳар гектар ердан камида 30 центнердан ҳосил кўтариш ҳақида янги мажбурият кабул қилдик.

Совхоз дирекцияси шоликорлар учун қулай иш шароити яратиб берган. Илғорлар рағбатлантириб борилянти. Дала шийпонларида маданий ҳордиқ чиқариш учун барча шароитлар муҳайё. Иссиқ овқат ташкил этилган. Иш ҳақлари ўз вақтида бериб борилянти.

Совхоз дирекцияси шоликорликни тўла механизациялаш, имкониятларича қўл меҳнатини суриб чиқариш йўлларини излаяпти. Бу соҳада эришгина ишлар амалга оширилди. Яқинда иккита шоли комбайни сотиб олдик. Бу янги маркадаги машина шолини бир йўла ўриб, янчиб, ҳам тозалаб кетади. Хуллас, донни қоплашдан бошқа барча қўл меҳнатига ўрин колдирмайди.

Сир бўйи хазина. Бу ерда шоличиликни ривожлантириш учун қулайликлар кўп. Фақат ана шу имкониятлардан фойдалана билиш керак, холос. Келгуси йили совхозимизнинг ана шу шоли бўлими заминида шоликорлик совхози ташкил қилинса ҳар жиҳатдан ўринли бўлар эди.

М. КАТТАБЕКОВ,
Сирдарё областидаги «Гулистон» совхози директорининг ўринбосари.

Суратда: Тошкент тепловоз депосининг моҳир машинисти Абдулхай Маранаев. У пассажир поездларини манзилларга график бўйича етказиб беришда алоҳида маҳорат кўрсатмоқда. Ҳар рейсда ёнилги тежашга эришяпти.

И. Глауберзон фотоси.

БУГУН—БУТУНИТТИФОҚ ТЕМИР ЙЎЛЧИЛАР КУНИ

ХЎЖАЛИКНИНГ ҚОН ТОМИРИ

Вали ХЎЖАЕВ,
Ўрта Осиё темир йўли бошлиғининг ўринбосари.

Темир йўлчилар—ўзига хос ажойиб касб эгалари. Улар халқ хўжалигининг транспортга бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим роль ўйнайдилар. Узоғимизни яқин, оғирмизни енгил қиладилар. Қисқаси, темир йўл—халқ хўжалигининг қон томири. Ўрта Осиё темир йўлчилари ҳам барча совет кишилари сингари мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришдек шарафли ишга муносиб ҳисса қўшаётганликлари билан фахрланадилар.

Кейинги йилларда темир йўл хўжалигини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш, поездлар билан халқ хўжалиги юклари ташишни кўпайтириш, пассажирларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш соҳасида бир мунча муваффақиятларга эришилди. Темир йўл линиялари узайтирилди. Ҳозирги кунда Ўрта Осиёдаги барча республикаларни бир-бири билан, бутун Ўрта Осиёни мамлакатимизнинг марказий районлари билан боғлайдиган 5300 километрдан ортиқ темир йўл линияси мавжуд. Бир қанча янги темир йўл шохобчалари қурилди. Булардан энг кейинги вақтда фойдаланишга топширилгани Мирзачўлдаги Сирдарё—Жиззах йўли ҳисобланади. Бу темир йўл линияси 1960 йили ишга туширилди ва у бўз-қўриқ ерларни ўзлаштиришда муҳим роль ўйнамоқда. Самарқанд—Қарши темир йўл линияси шу беш йилликда қуриб тамомланади. 160 километр узунликдаги бу йўл пассажирлар ва халқ хўжалиги юклари ташиладиган масофани 246 километр қисқартиради. Шунингдек, мана шу йўлнинг фойдаланишга топширилиши Қарши чўлидаги қишлоқ хўжалиги районларига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилайди.

Яна бошқа бир қанча темир йўл линиялари қуриляпти. Шулардан бири Термиз—Кўргонтепа—Ёвон йўли бўлиб, у 264 километр узунликда, Тожикистон ССРда химия саноатини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Ўрта Осиё районларидан Волга бўйлари, Марказ ва Кавказга олиб борадиган 1600 километр узунликда катта йўл қурилмоқда. Бу темир йўл Чоржўй—Кўнғирот—Макат—Гурьев — Астрахань маршрутлари бўйлаб ҳаракат қилади. Бу йўл келгуси беш йилликда фойдаланишга топширилади ва қилинган харажатларни учтўрт йилда қоплайди.

Ўрта Осиё республикалари экономикасининг ривожланиб бориши натижасида магистралимизда юк ҳамда пассажирлар ташиш кўпайиб бормоқда. Ташиладиган юклар 1970 йилга бориб 1965 йилдагига қараганда 10 миллион тонна кўпаяди. Келгуси йили бизнинг темир йўлимизда 4 миллиондан кўпроқ пассажир ташилади. Бу эса йўлларнинг ҳолатини яна ҳам яхшилаш ва станциялар ишини такомиллаштиришни тақозо этади. Шу мақсадда кўпгина участкаларда ёнма-ён иккинчи йўллар ҳам барпо қилинмоқда.

Бир қатор станцияларда юк ортиш ва туширишишларини тезлаштиришга ёрдам берадиган мустаҳкам базалар вужудга келтирилди. Тошкент юк станцияси, Шумилов, Ховос, Когон, Чоржўй, Навоий, Ашхобод, Салор, Қизилтўқимачи, Қарши, Термиз, Душанбе ва бошқа станцияларда машина-механизмлар билан юк ортиш-туширишишларини тезлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

1931 йилда магистралимизнинг Учаджи—Красноводск сувсиз участкасида темир йўлда биринчи марта тепловозлардан фойдаланила бошланган эди. Ҳозирги вақтда тепловозлар асосий локомотивимиз бўлиб қолди. 4000-6000 от кучига эга бўлган қудратли тепловозлар ёрдамида магистралдаги барча юкларнинг 98 процентдан кўпроғи ташилмоқда. Пассажир вагонлари бутунлай тепловозлар ёрдамида ҳаракатлантириляпти. Тепловозлардан фойдаланиш локомотив хўжалиги учун сарфланадиган харажатларни икки баравар қисқартиришга ёрдам бермоқда. Тепловозлардан фойдаланиш 1953 йилдагига қараганда қарийб 2 баравар ортди.

Бир қанча йиллар давомида ёғочдан ясалган икки ва тўрт ўқли пассажир вагонлари қатнаб келди. Энди улар ўрнини нуқул металлдан ясалган ва пассажирлар учун барча қулайликларга эга бўлган вагонлар эгалламоқда. Улардан кўпчилиги ҳавони янгилаб турадиган ускуналар билан жиҳозланган. Пассажирлар ташишнинг кўпайиб бориши пассажир вагонлари ремонтини пухтароқ ташкил қилишни тақозо этди. Қизилтўқимачи станциясида шу мақсадда ремонт-экипировка пункти ташкил қилинди. Пассажир вагонларининг ремонти бу ерда асосан механизмлар ёрдами билан бажарилади. Ашхобод, Андижон станцияларида ҳам шундай пунктлар ишлаб турибди.

Вагон хўжалигини мустаҳкамлаш соҳасида бир қанча ишлар қилинди. Йўл хўжалиги поездларнинг тез ҳаракат қилиши учун асосий восита ҳисобланади. Шунинг учун ҳам йўллар ҳолатини яхшилаш, уларнинг поезд ўтказиш қобилиятини оширишга қаратилган тадбирлар кўрилди. Узунлиги 800 метр бўлган яхлит рельслар ётқизиш кенгаймоқда. Йўлларни реконструкция қилиш, қўшимча йўллар қуришга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Юк хўжалиги, локомотив хўжалиги, алоқа ва сигнализация системаларининг ишини такомиллаштириш учун йил сайин кўплаб маблағ сарфланяпти.

Юқоридаги сингари тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида магистралимиз иқтисодий-техника кўрсаткичлари яхшиланиб бормоқда. Илғор иш усуллари ва тажрибаларининг кенг ёйилиши туфайли ўтган йили тезкор усулларда транзит поездларнинг 24,2 процента қабул қилиб жўнатилди. Поездларнинг 85 процента тезкор усулларда тузилди. Шу йўл билан 1,2 миллион вагон-соат тежаб қолинди. Станцияларда оғир юкли поездлар тузиш ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. Шундай усуллар билан ўтган йили 72 поезд тузилди. Уларда планга қўшимча 39 миллион тонна халқ хўжалиги юклари ташилди. Магистралимиз коллективи пландан ташқари ортиб жўнатган халқ хўжалиги юклари 850 минг тоннадан ортиқ.

Темир йўлчиларнинг бу йилги байрамига тайёргарлик ишлари ўтган йилги муваффақиятларни мустаҳкамлаш шиори остида ўтди. Локомотивлар ва вагонлар паркидан фойдаланиш соҳасида катта ютуқларга эришилди. Қишнинг қаттиқ келиши ва баҳорнинг чўзилиб кетиши оқибатда рўй берган қолоқликнинг ўрнини тўлатиш учун астойдил кураш олиб борилди. Бу эса ўз самараларини берди. Қўқон станцияси, Ховос вагон депоси, Тошкент йўл дистанцияси коллективлари Бутуниттифоқ темир йўлчилар куни ва айниқса катта зафарлар билан нишонламоқдалар. Бу коллективлар иккинчи квартал якунларида СССР Йўллар министрлиги ва темир йўл транспорти ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритдилар.

Беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш ҳаракати доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб нишонлаш мусобақаси билан қўшилиб кетди. Ана шу қутлуғ санани нишонлаш мусобақаси ғолиблари магистралимизда кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Тошкент тепловоз депосининг машинисти А. Маракаев, Когон станциясининг навбатчиси Д. Сулаймонов, Тошкент юк станциясининг поезд тузувчиси И. Кучмистий, Андижон йўл дистанциясининг бригадири Х. Тешабоев ўртоқлар бу мусобақада пешқадамлик қилаётирлар.

Ишда рўй берган камчиликларни бартараф қилиш, мавжуд имконият ва резервлардан самарали фойдаланиш, вагонларнинг юк ортиш ва туширишишдаги бекор туришини камайтириш, локомотивлар паркидан янада унумли фойдаланиш йўли билан беш йиллик планни муддатидан илгари бажарамиз ва доҳиймиз В. И. Ленин юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан нишонлаймиз! Темир йўлчиларнинг бугунги шиори ана шундай.

ФАКТЛАР... РАҚАМЛАР...

◎ Ўрта Осиёда биринчи темир йўл қурилиши 1880 йил ноябрда бошланган эди. Бу Каспий бўйи темир йўли бўлиб, беш йилдан кейин Ашхободга етиб келди, 1886 йилнинг декабрида Чоржўйгача узайтирилди.

◎ Шундан икки йил кейин темир йўл Амударёдаги ёғоч кўприк орқали Самарқандгача узайтирилди. 1899 йили Каспий бўйи темир йўли орқали поездлар Тошкентга ва Фарғона водийсига қатнай бошлади.

◎ Улуғ Октябрь революцияси арафасида Ўрта Осиё темир йўл линиясининг узунлиги 2740 километрга етказилди. Ҳозирги кунда поездлар Ўрта Осиёдаги барча республикалар территориясидан ўтмоқда ва унинг узунлиги 5300 километрдан ортиқни ташкил қилади.

◎ Ўрта Осиёда дастлабки поездлар ҳаракат қила бошлаган XX асрнинг илк йилларида жуда кучсиз паровозлар қатнарди. Вагонлар икки ўқли бўлиб, 15-16 тонна юк кўтарарди. Юк поездлари соатига 13 километргина йўл босарди.

◎ Шу кеча-кундузда Ўрта Осиё темир йўли бўйлаб янги типдаги локомотивлар — тепловозлар ҳаракатланмоқда. Улар 4000-6000 от кучига эга бўлиб, барча юкларнинг 98 процентдан кўпроғи тепловозлар ёрдамида ташилмоқда.

◎ Илғор иш усулларига амал қилиш туфайли ўтган йили Ўрта Осиё магистралида 72000 оғир юкли поездлар бошқарилди. Планга қўшимча ташилган юк 850 минг тоннадан ортиқ бўлди.

◎ Агар 1917 йили магистралда 6 инженер ва 30 техник ишлаган бўлса, ҳозир 3 мингдан ортиқ олий ва салкам 7 минг ўрта махсус маълумотли мутахассислар темир йўл хўжалигининг барча соҳаларида ишлаб турибди.

ЧЕВАРЛАР

Серқуёш республикамизда бадиий буюмлар ишлаб чиқарадиган 9 та фабрика мавжуд. Ана шуларнинг бири Шаҳрисабздаги «Ҳужум» фабрикаси. Корхона чеварлари ишлаб чиқараётган нафис матолар кишиларимиз хонадонининг чиройига чирой қўшади, Иттифоқимиздагина эмас, ҳатто чет эллик дўстларимиз ҳам «Ҳужум» фабрикаси коллективининг меҳнатига катта қизиқиш билан қараб, унга юқори баҳо беряптилар. Бултур Канадада очилган халқаро ярмаркада шаҳрисабзлик чеварлар тиккан буюмлар юқори баҳо олди. Бу йил эса Париж шаҳридаги универмаглардан бири санама, чизма, терма қўл сумкаси, ёстиқлар сўраб фабрикага илтимоснома юборишган.

Фабрика ҳовлисида арқоқлар қуритилмоқда. Цехларда меҳнат симфонияси жўш уради. Тайёр ҳом ашё пешма-пеш цехларга жўнатилиб турибди.

Корхонада 5 цех, 4 ишлаб чиқариш участкаси ва 11 бригада бўлиб, улардаги 1080 киши ишлайди. Коллективнинг ҳалол меҳнати туфайли ўтган ойлар давомида 500 минг сўмдан ортиқроқ сифатли маҳсулотлар реализация қилинди. Маҳсулотнинг таннархи 1,5 процент ўрнига 4,6 процент арзонлашган, меҳнат унумдорлиги 4 процент ошган. Бу ютуқлар ҳақида фабрика бош инженери Муқим Раупов ҳикоя қилди:

— Халқимизнинг дидига мос, бежирим маҳсулотлар тайёрлаш, ҳунармандчилик корхоналари коллективларининг муқаддас бурчидир. Маҳсулот сифати — биринчи масала. Энди узоққа бормай, бултурги кўрсаткичларимизни тилга олиб кўяқолай. Планларни барча турлар бўйича ошириб бажардик. Шунинг орқасида фабрикамиз 205 минг сўм фойда кўрди. Бунинг сири шундаки, 1968 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системаси асосида ишлашга кўчганмиз. Янги система маҳсулот сифати учун алоҳида кўзгу бўлди. Ишчи ўзига-ўзи талаб қўйиб ишлайдиган, шунинг орқасида меҳнатига яхши ҳақ оладиган бўлди.

Анвара Султонова, Адаш Жовлиева, Зулайҳо Эргашева, Раҳима Норова, Қурбоной Мўминова каби моҳир қўлларнинг ҳаракатларини кўриб қойил бўлдик. Улар ҳар бир арқоқни пишитиб тортишар, станокнинг бир зайлда ҳаракат қилишини таъминлар эдилар.

Биз чеварлар билан суҳбатлашдик:

Муаззам ШАРИПОВА — гилам тўқиш цехининг илғор бригада бошлиғи — Бундан беш йил илгари фабрикага шогирд бўлиб ишга кирган эдим. Дастлаб сўзана тикдим. Кейинчалик гилам тўқишдек мураккаб касбни ўргандим. Икки йилдан буён бригада бошлиғи бўлиб ишлайман. Бригадамизда 65 киши бор. Шу йилнинг биринчи кварталида 1200 квадрат метрдан зиёд поёндоз тўқилган эдик. Июнь ва июль ойлари ичида уч ойлик ишни бажардик. Биз ютуқларимизни доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллик юбилейига тўёна қиламиз.

Хоннисой СУЛТОНОВА — илғор тўқувчи—Араби гилам тўқиймиз. Дугонам Тожида Муртозаева ва шогирдим Обида Раҳимова учаламиз 12 метр келадиган гиламдан ҳар ойда учтасини тўқиймиз. Ишимизнинг сифати ҳамиша юқори баҳоланмоқда. Шу туфайли корхона маъмурияти бизни ой ва квартал сайин пул мукофоти, Фахрий ёрлиқлар билан тақдирлаяпти.

Матлуба ОДИЛОВА — санама дўппи тикувчи — Илгари бу иш қўл кучи билан бажарилар эди. Ҳар биримиз зўрга беттадан қалпоқ тикардик. Мана, кўриб турибсиз, операцияларни механизмлар бажаряпти. Биз уларни бошқаряпмиз, холос. Энди цехдаги кишиларнинг ҳар бири кунига 4-5 тадан дўппи тайёрлаяпти.

«Ҳужум» фабрикаси коллективи доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги шарафига ўз зиммасига юксак мажбуриятлар олган. Жумладан, 1 миллион 300 минг сўмлик маҳсулотни шу йил 20 декабргача ишлаб чиқариш, қолган ўн кунда эса планга қўшимча равишда 100 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаб, уни доҳийнинг бир асрлик тўйига тортиқ қилиш—шаҳрисабзликларнинг аҳду паймони.

М. ТУЛАНОВ,
Қашқадарё области.

ТОШКЕНТДАГИ «Учқун» тўқима чилик-галантерея фирмасининг илғор тўқувчиси Дилором Аҳмаджонова смена топшириғини доимо ортиғи билан бажариб, бошқаларга намуна бўлмоқда. Суратда: Д. Аҳмаджонова.

А. Тураев фотоси.

МАРҲАМАТ

Республикамизда «Билимлар уйи» очилганига атиги 8 ой бўлди. Лекин шу қисқа вақт ичида ҳамма анчагина ишлар қилинди. Олимлар, санъат ва адабиёт вакиллари билан учрашувлар уюштирилди. Республикамизнинг йирик олимлари Ўзбекистон фани ютуқлари ҳақида тингловчиларга сўзлаб бердилар.

«Раҳимовлар оиласи куйлайди» деб номланган кеча эса республика «Билимлар уйи»га келган кишилар хотирида узоқ вақт сақланади. Бу кеча 5 марта такрорланди. Ўзбекистон ССР халқ артисти Шаҳодат Раҳимова, Ленин комсомоли лауреатлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Стахан Раҳимов, Алла Ношпелар билан учрашувлар кеча қатнашчиларига манзур бўлди. СССР халқ артистлари Лутфихоним Саримсоқова, Раззоқ Ҳамроев, Галия Измайлова, Тамарахоним билан бўлган учрашувлар ҳам мароқли ўтди.

Биз ёшлар учун алоҳида тадбирлар, интернационал дўстлик кечаларини ўтказяпмиз. Республика радио комитети редакциялари билан мустаҳкам алоқа ўрнатдик. «Табассум», «Ёшлик» радио-журналлари тез-тез меҳмон бўлиб туришади. «Ёш талантлар» циклидан ҳали кўпчиликка танилмаган истеъдодли ҳаваскорлар кечасини ҳам ўтказдик. Чоршанба — шаҳар педагоглари куни, шанба эса саломатлик куни, деб эълон қилинган. Ана шу кунлари қизиқарли лекциялар ўқилади. Биз кино ишчивозларини ҳам хурсанд қиляпмиз. Айниқса, ҳужжатли фильмларни кўпроқ намойиш қилишга алоҳида эътибор беряпмиз. Шу йилнинг ўзида 600 марта ҳужжатли фильмлар сеанси бўлиб ўтди.

«Билимлар уйи»да республикамиз давлат арбобларининг, ҳарбий саркардалар ва космонавтларнинг чиқишлари ҳам бўлди. Бундан ташқари, Осиё ва Африка кинематографияси Тошкент фестивали, совет ва мўғул ёшларининг дўстлик фестивали ўтказилди. Бу кечаларда ёшлар машҳур кишилар билан, фан ва маданият арбоблари билан учрашдилар.

Республика «Билимлар уйи»нинг илмий совети В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишлаб 80 га яқин лекция, суҳбат ва учрашувлар уюштирди. Биз «Ленинном», «Ленин ва ёшлар», «Ленин ва Ватан» циклида қатор кечалар ўтказдик.

«Билимлар уйи»да институтга кирувчиларга ёрдам тариқасида математика, физика, кимё, тарих, адабиёт ва чет тиллардан обзор лекциялар ўқилди. Кунига 3 минтга яқин абитуриент лекция тинглади.

Улуғ Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини нишонлаш тантаналарига Иттифоқимизнинг йирик, атоқли кишиларини таклиф этгамиз. «Унутилмас қаҳрамонлик йилларида»гичилидаги кечаларда эса Совет Иттифоқи маршаллари Конев, Баграмян, уч марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Кожедуб ва бошқаларнинг иштироқ этиши планлаштирилган. Совет Иттифоқи Марказий радиосининг диктори Левитан ҳам меҳмонимиз бўлади.

«Билимлар уйи»га марҳамат, ўртоқлар!

С. ПЎЛАТОВ,
Республика «Билимлар уйи»нинг директори.

Янги ўқув йилига тайёрмисиз?

ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

Ёш авлод тарбияси коммунистик жамият қурилишининг ажралмас қисмидир. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия — умумхалқ иши бўлиб, бунинг учун бутун жамият жон қуйдиради, жавоб беради. Шу жиҳатдан қараганда, мактаб ва болалар муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлаш масаласи ҳам, айниқса, ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этади. Зотан, ўқув йилининг зўр ташаббуслик билан бошланиши ва унинг нормал давом этиши кўп жиҳатдан ҳозирги тайёргарликка, мактабларнинг ремонти, мактаб қурилиши қандай бораётганига боғлиқ. Чунки ўқувчилар учун ҳар томонлама шароит яратилмаган мактабда, сўзсиз, ўқув жараёнлари ҳам талабга мувофиқ равишда давом этмайди.

Маълумки, 1970 йилга бориб умумий ўрта таълим асосан амалга оширилади. Областимиз мактаблари ҳам яқин йиллар ичида таълимнинг янги, такомиллашган босқичига ўта бошлайди. Бу эса бутун кучларни жамлашни, янгича ишлашни, кўплаб мактаблар ва қўшимча синфхоналар қуришни тақозо қилади.

Ҳал этилиши лозим ва зарур бўлган вазифаларимиз кўп. Мактаблар тармоғини янада кенгайтириш, уларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, ёш авлодга таълим ва тарбия беришни такомиллаштириш, политехника ва меҳнат дарсларини кенг жорий этишда жонбозлик кўрсатиш—фақат маориф ходимларининг эмас, балки бутун жамоатчиликнинг, ҳаммамизнинг жонажон ишимиз бўлиб қолди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳамда республика Министрлар Советининг «Республикада умумий ўрта таълимга ўтиш муносабати билан халқ маорифини янада яхшилаш чоралари тўғрисида» чиқарган қарорида ҳам худди шу масала алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Бу йил областимиздаги 784 мактабдан 422 тасини капитал, 352 тасини жорий ремонтдан чиқариш кўзда тутилган. Бугина эмас, 58 та мактабдан ташқари болалар уйи, мактаблар ҳузуридаги 43 та интернатлар, 161 мактабгача болалар муассасалари ҳамда 1306 ўқитувчининг квартиралари, шунингдек 56093 парта ҳамда 5437 синф доскаси ремонт қилиниши керак. Жонкуярлик билан иш олиб борилиши натижасида кўпгина мактаб ва болалар муассасаларида ремонт 15 апрелданоқ бошлаб юборилди.

Мактаблар ремонтини барвақт ва сифатли қўлдан чиқаришда жонбозлик кўрсатган, ёш авлодни янги, данғилламе мактаб бинолари билан қувонтираётган оталиқ ташкилотлари ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Ана шу ташкилотлар ғайрати билан 25 июлгача 216 мактаб капитал ва 273 мактаб жорий ремонтдан чиқарилиб, ўқув ашёлари ва ускуналари соҳлаб қўйилди. Калинин районидаги К. Д. Ушинский номли 24-ўрта мактаб педагогик коллективи мактаб биноси ва ўқув ашёларини 31 майдаёқ янги ўқув йилига тахт қилиб қўйганликлари ҳақида рапорт бердилар. Бекобод шаҳри жамоатчилиги эса мактаб ва болалар муассасалари ремонтини республикамизда иккинчи, областимизда биринчи бўлиб тамомладилар—19 та мактаб, 22 та болалар боғчаси, 4 та болалар муассасаси, 3 та теплица, 30 та ўқув устахонаси янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди. Янгидан 16 та фан кабинети очилиб, 26392 сўмлик ўқув қуроллари сотиб олинди. Ҳамма мактабларда буфет ва ошхоналар ташкил қилинди. Мактаблар ва ўқитувчилар учун 450 тонна ёқилғи ташиб келтирилди. 1-синфларга келадиган 1700 боланинг ҳаммаси рўйхати олиниб, ҳужжатлари расмийлаштирилди.

Ҳозир хушхабарлар кетидан хушхабарлар келяпти. Бекобод, Калинин райони жамоатчилиги ҳам, мактабларимиз янги ўқув йилига тахт, деб рапорт бериш ди. Оржоникидзе, Янгийўл районлари, Чирчиқ, Янгийўл, Олмалиқ, Янгиобод, Ангрен шаҳарлари бугун-эрта рапорт бериш арафасида турибдилар. Бу — маорифчиларимизнинг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик тўйига тайёрлаётган совғаларидир.

Халқимизда «қолган ишга қор ёғар» деган гап бор. Чиндан ҳам темирни қизигида босган яхши. Вақт ғаниматмиз! Шу сабабли биз яна бир муҳим тадбирни амалга оширдик. Мактаб ва болалар муассасаларини янги ўқув йилига ҳозирлаш юзасидан ўзаро текшириш бригадалари тузилди. Бу бригадалар мавжуд ютуқ ва камчиликларни ўрганиб чиқиб, ишни тезлаштиришга оид дўстона, фойдали маслаҳатлар бераётирлар. Ана шундай бригадалар берган холисона маълумотларга асосланиб турибмиз. Бекобод шаҳридаги В. И. Ленин номли металлургия заводи, Чирчиқдаги трансформатор ва «Чирчиксельмаш» заводлари, Калинин районидаги Генерал С. Раҳимов номли, К. Маркс номли, «Ўзбекистон 40 йиллиги» колхозлари, Ўрта Чирчиқ районидаги Калинин номли, Энгельс номли, Бекобод районидаги «Победа», Дзержинский номли, Бўка районидаги Охунбобоев, Свердлов, Калинин номли колхозларнинг оталиқларидаги мактабларни ремонт қилиш ва қўшимча синфхоналарни қуришдаги жонбозликларини тилга олиб ўтиш ўринлидир...

Болаларнинг ёзги дам олиши ҳам намунали уюштирилди. Областимизда ташкил этилган 34 та шаҳар пионерлар лагерида 4116 бола, 14 та шаҳардан ташқарида жойлашган пионерлар лагерларида 6125 ўғил-қиз ёз ғаштини сурялти. Бундан ташқари 52 та колхоз, 13 та совхоз пионер лагерларида 5 мингдан ортиқ мактаб ўқувчилари ёзги каникулни мароқли ўтказяпти. 106 та меҳнат-дам олиш майдончаларида ўқувчилар хордиқ чиқариш билан барча бўш вақтларида фойдали меҳнат билан шуғулланмоқдалар. Бекобод, Чирчиқ, Янгийўл, Оҳангарон шаҳарларида ҳамда Ўрта Чирчиқ районида ташкил қилинган ҳарбий-спорт лагерларида мингга яқин бола дам олаётир.

Лекин бу—ҳамма ерда янги ўқув йилига яхши тайёрланилляпти, деган гап эмас. Айрим жойларда зиммага катта-катта мажбуриятлар олиб қўйилган бўлса-да, ишнинг боришини жиддий ташвишлантирада. Баъзи янги мактаб бинолари қурилиши ҳар хил баҳоналар билан пайсалга солинмоқда, капитал ва жорий ремонт чўзиб юборилмоқда. Областдаги 130 та мактаб ва 65 та болалар муассасаларида ремонт ишлари суст борялти. Бу мактаб ва муассасаларнинг кўпчилиги Янгийўл, Бўстонлиқ, Оржоникидзе районларига тўғри келади.

Бу йил халқ хўжалиги планига мувофиқ областимизда 5144 ўринли 7 та мактаб, колхозлар ҳисобига 4786 ўринли, оталиқ ташкилотлари ва муассасалар ҳисобига 6952 ўринли мактаб ҳамда 6680 ўринли 27 та қўшимча синфхоналар қурилиши кўзда тутилган.

Дарсликларни алмаштириш ва янги ўқув ашёлари сотиш ишлари ҳам кўнгилдагидек эмас. Айрим жойларда бу иш фақат 55-60 процент бажарилди.

Ёш авлод тарбияси умумхалқ, умумдавлат иши экан, демак болаларнинг пухта билим олишлари ва замонга муносиб кишилар бўлиб етишишлари учун барча имкониятларни яратиб бериш устида ҳамма бараварига бош қотирмоғи керак. Ёшлар тарбияси, истиқболи, бахт-саодати учун хизматга ҳамиша тайёр туришимиз лозим.

М. НИШОНОВ,
Тошкент область халқ маорифи бўлимининг мудири.

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига

ДОҲИЙ МАДҲИ ДИЛЛАРДА

ПАДАР

Ёдимда ҳамиша Сен, падар Ленин,
Кўнглимда сўзларинг жон қадар Ленин.

Денгиздай тўлганиб, балқийди фикринг,
Эзилган элимга саодлик бердинг.

Ишчи ҳам деҳқонинг доҳийси ўзинг,
Бир умр сақланар ёдимда сўзинг.

Золимлар қўлидан бизни қутқаздинг,
Дунёда адолат ҳукмин ўтқаздинг.

Фозил ЙЎЛДОШ ўғли.

Жусуп ТУРУСБЕКОВ,
Қирғиз шоири.

ОЙДИН ЙЎЛ

Ленин йўли — олис йўллар босган йўл,
Азим қоя, довонлардан ошган йўл.
Бағрин тиғлаб,
Қон-қон йиғлаб,
Таёқ ушлаб,
Юрганларга иқбол йўлин очган йўл.

Ленин йўли — Коммунизм қурамиз,
Бу порлоқ йўл, бунда иқбол унамиз.
Бахт кўрсатиб,
Нур кўрсатиб,
Йўл кўрсатиб,
Меҳнаткашга машъал бўлиб турамиз.

«Топтаймиз» деб кўппаклар хўп
ҳуришган,
Кўзи ўйнаб, тиш қайрашиб юришган.
Йўқ қилолмас,
Дўқ қилолмас
Бас келолмас
Кучимизни Петербургда кўришган.

«Олға» деб маҳкам қисиб қўлимиз,
Октябрда Ленин очди йўлимиз,
Бахтли бўл деб,
Аҳдли бўл деб,
Шаҳдам бўл деб,
Гул-лолага бурқади ўнг-сўлимиз!

ИНҚИЛОБ ЙИЛЛАРИ

Бугун ер қаърида
жимгина ётар —
Кеча майдонларда чақнаган ўқлар,
Ерни унутолмай,
незиб тонготар —
Саргардон хотира
кимнидир йўқлар...
Кечаги майдонлар—майдонмас бугун,
Ё гулзан, ё боғча, ёки хиёбон,
Ёки йўл кечганда,
улар биз учун —
Бўм-бўш ҳувиллаган, тилсиз биёбон...
Эсимда!
Бир йили кечганда саҳро,
Саҳро сийнасида кўрдик бир мозор.
Мусулмон тошлари тепаларда жо,
Маъжусий саҳамлар турарди қатор.
Дўнглик соясидан
ғижирлаб секин —
Ўтди аравамиз... йироқлашдик ҳам,
Бир не ўйламадик... Ўйлайман, лекин,
Бугун у мозорни агар эсласам,
Қатор ётганмиди мусофир жасад —
Олис саҳро бўлиб энг сўнгги жойи?!
Чопиб,
чорлаганда эътиқод, мақсад —
Улар бўлганмиди сарсон фидойи?!
Бир одамий видо,
Одамий бўса,
Насиб этганмиди аскарга у кун?!
Ери уй олдида бир умр кутса —
Билганми, қайтолмас, кутгани учун?!

. . . . . .

Инқилоб йиллари кўзимда ёнар,
Кўксимда гурсиллар нотинч қадамлар
Ва менинг қалбимда ногоҳ, уйғонар
Узим тушимда ҳам кўрмаган дамлар,
Одамлар... одамлар... одамлар... сафда.
Тўлароқ... эзгинроқ... узунроқ... калта.
Боришар... кўзлари уфқ тарафда.
Елкада қотган нон солинган халта.
Кўҳна ва увада усти-бошлар чанг,
Милтиқ ё паншаха қўлларида тик.
Кимдадир папоқ бор... кимдир бошланг,
Оёқда чориқми... тўзғиган этик!..
Нима истар эди миллион одамлар —
Уларни дин каби сочганда ҳаёт!?
Усти-бош... ё овқат сингари ғамлар —
Ё обрў, ё шуҳрат, ёки мукофот?!
Йўқ, инсон бошида ўзгача ҳаёл,
Қалбида ўзгача ҳис ёнди у кун!
Инсон
ўтга кирди,
эрк билан иқбол —
Авлодлар ҳаётин ёритсин учун!
Инқилоб йиллари, унутди, илк бор —
Инсон ўз йўлида худбинлик ҳиссин!
Жонин ҳовучида тутмади эзиқор,
Елкага юклади
авлод қайғусин!

. . . . . .

Буюк йўлдан борар
бугунги
авлод —
Ердан ювилсин деб, худбинлик гарди!
Ҳамон Октябрь — буюк эътиқод,
Чунки, Октябрни Ленин ўргатди.

Омон МУҲТОРОВ.

РАССОМ УСТАХОНАСИДА

«Ғалла масаласи оғирроқ...»

«Ғалла масаласи изга тушмоқда...»

«Генерал Мамонтов Орелга бостириб кирмоқда...»

Мамонтов суриб ташланди!! Воронеж олинди!.. Табриклайман!

Рассом В. КАЙДАЛОВнинг «В. И. Ленин» серияси дагги расмларидан.

Эргаш ЖУМАНБУЛБУЛ ЎҒЛИ.

МИНГ МАЪНО

Ленин ўртоқ ўйлади, кўп
ўйлади,
Бир нечага замонани
сўйлади,
Қачонгача оқар, — деди, —
кўз ёшлар.
Инқилобга белни маҳкам
бойлади...

Ленин энди инқилобга бош
бўлди,
Ленин сўзи ҳаммага кенгаш
бўлди,
Ҳар сўзидан минг маънони
топган сўнг,
Ленин номи бизларга
йўлдош бўлди.

Темирқул УМЕТАЛИЕВ,
Қирғизистон халқ шоири.

ЛЕНИН ДЕСАМ

Ленин десам
Сўзим янгроқ туюлар,
Ленин десам,
Қўбиздан куй қуйилар.
Ғайрат жўшиб
Юрагимга нур инар,
Илҳом қайнаб
Асов отдай талпинар.

Ленин десам,
Тоғлар менга пешвоздай,
Шу даҳодан
Нур олгандай қуёш ҳам.
Ленин десам,
Сўзим жуда равондир,
Шу сўз билан
Ошиб ўтдим давонлар.

Ленин десам,
Тинглар уни ҳур элим.
Ленин десам,
Бийрон бўлади тилим!

Қирғизчадан Т. Адашбоев таржимаси.

НИГОҲ

Эрта тонгдан бошлаб мавзолей томон
Одамлар дарёси тинмай оқади.
Бунда ётар ахир энг буюк инсон,
Оғир дард дилларни ўртаб ёқади.

Сафлар кетидан саф, етти яшардан —
Етмиш яшаргача — ҳаммада сунут,
Гўё сезиб турар ҳар битта гардан
Оғир йўқотишнинг зил-замбил юкин.

Мармар зиналардан тушилар бир-бир,
Доҳий дахмасига кўйилар қадам.
Юраклар титрайди зилзиладай зир,
Қандай ўзин тутиб туролсин одам?!

Қандай ўзин тутиб туролсин одам,
Меҳрибон Ильични тобутда кўриб.
Ахир у кўзларин очмас сира ҳам,
Табассум этолмас ўрнидан туриб...

Етар, бас! Эрк берманг асло йиғига,
Шашқатор ёш тўкиш — бизга беғона!
Худди тиниқлигидек куёш тиғига —
Ильич сиймосига боқинг мардона!

Сирли пайғамбарлик унга тамом ёт,
Ғариб, мунглиликдан йўқдир ҳеч нишон,
Қўллар —мушт, чеҳрада қатъият, сабот,
Ленин — курашувга чорлайди ҳамон!

Доҳий сиймосида — ишонч ва зафар.
Ундан чекинади зулмат, ғам-алам.
Қалблар вулқонмисол, пичирлар лаблар:
«Ленин иши учун ичаман қасам!»

...Сафлар кетидан саф. Талпиниб, ёниб
Мавзолей томонга оқар одамлар.
Ленин нигоҳида пишиб, тобланиб —
Бундан пўлат бўлиб чиқар одамлар.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

Раҳим ЖАЛИЛ
тожик ёзувчиси.

ТАБАРРУК ИНСОН

(РОМАНДАН ПАРЧА)

Бу воқеа 1921 йилнинг ёзида бўлган эди.

Ўлка хотин-қизларининг Тошкентда очилган съезди охирланаётган бўлса ҳам, Москвада бўладиган съездга делегатлар сайлашдан дарак йўқ эди. Кимдир Москвада съезд яширин ўтказилажаги, шунинг учун делегат сайлашнинг ҳожати йўқлиги хусусида гап тарқатди. Меҳрибон ҳамшира, нефаралик қиз Ҳидоят бу хабарни хўжандлик Иззатбиби Муллобоевага етказди-ю, унинг сутдек жўшиб турган шодлиги қайнорини бостирди.

Иззатбибининг хаёли бўлинди. У бармоқларини жағига тираб, қора кўзларини президиумга тикди. Ешини аниқлаш қийин бўлган бу мулойим, юзлари жозибали, диликаш аёл шу топда алланечук хаёллар дарёсига ғарқ бўлган эди. Ногоҳ унинг ёдига бир нарса тушди. Съезд вакилларининг қўшимча фикр-мулоҳазаларини сўраб қарор қабул қилинаётган пайтда у қўл кўтарди.

— Бир саволим бор,— деди у мажлис раисига мурожаат қилиб.— мумкинми? Москвага боришимиз нима бўлди?

— Аввал қарорни қабул қилиб олайлик, кейин бошқа гапларга ўтамиз — деди раислик қилувчи.

— Йўқ, айланай. Бир қарор бўлса, қабул қиламиз. Аввал сиз менинг саволимга жавоб беринг! — талаб қилди Муллобоева ва Ҳидоятнинг қўлтиғидан ушлаб ўрнидан турғазди.— тур айланай, менинг гапларимни ўзбекчасига-ю, ўрисчасига айтиб берки, ҳамма тушунсин.

Раислик қилувчи ҳарчанд «тушундик, таржима қилишнинг ҳожати йўқ», деса ҳам, Муллобоева ўз гапини ўтказди ва сўзини таржима қилдириб, оромлик ҳукмрон бўлган залда ғала-ғовур қўзғатди.

— Менинг номим Моҳжамол Сайфуддинова,— дея бир аёл ўрнидан турди.— Каттақўрғондамман. Бу ерда самарқандлик ўртоқ Ҳайрова ҳам ўтирибдилар. Ўзлари гуриб айтсинлар. Бу съездга вакиллар келтиргунча биз нақадар азоб чекдик. Уларнинг ҳар бири олдига ўн мартадан бордик десам, ёлғон бўлмайди. Москвага борасиз, деб ваъда бердик-ку, энди бу ерга келтириб...

— Моҳжамол тўғри айтади,— дея яна сўз олди Муллобоева, — биз Москвага бориш, ўртоқ Ленинни кўриш умидида йўлга чиққанмиз.

Гулдурос қарсаклар садоси янгради. «Ленинни кўргани борамиз! Юборасизлар взссалом! Ўз пулимизга билет сотиб олиб бўлса ҳам бораміз!» дейишарди залнинг ҳар томонидан. Президиумнинг бошқа ҳамма аъзолари бир тараф бўлсалар ҳам, зални тинчита олмас эдилар.

— Ҳэй, Абдулложон,— яна бадалга овоз билан гапида давом этди Муллобоева залга сокинлик чўкиши билан Туркистон ўлка коммунистлари Марказий Комитетининг секретари Раҳимбоева мурожаат қилиб, — Мени танидингизми ёки йўқми, айланай? Мен тинг-тинг холаниз бўламан,— деди у ўзининг касбидан: пахта тозаловчи эканидан хабар бериб, — арава овора-ю, вагон овора. Хўжанддан келдик. Мана бу қиз Исфарадан келибди. Бу ерда ўтирганларнинг барчаси кун чиқиш ва кун ботиш томонлардан, узоқдан келишган. Бизни умидсиз қилманг. Москвага бориб ўртоқ Ленинни кўрасиз дедилар, гўё қанот чиқариб учиб келдик. Москвага сим қоқинг, айтингки. Тошкентдан хотин-қизлар боряпти, нима учун қабул қилмайди?

— Рост айтадилар. Ўртоқ Ленинга телеграмма юборилсин,— деди тошкентлик делегат Шамсиқамар Ғонбжонова.

Залда Москвага юборишга монелик кўрсатилишига қарши ғала-ғовур давом этарди. Президиумдагилар бир-бирлари билан маслаҳатлашдилар ва қутилмаганда раислик қилувчининг ташвиш қалқиб турган юзига табассум югуриб ўрнидан турди.

(Давоми тўртинчи бетда).

Ойбек шеъри — Andante — Д. Зокиров музикаси

Ле_нин фик_ри ин_қи_лоб ку_раш
о_та_ши_да тоб_лан_ган пў_лат.
У_нинг фик_ри о_лам_да қу_ёш дар_ё, дар_ё
нур тў_кар бе_ҳад
Allegretto
Чайқалганзўрдарё мав_жи у.
иш_чи деҳ_конҳар он ко_ши_да ку_раш тўл_қин
ён_ғин иши бу, ер кур_ра_си у_нинг бо_ши_да.
Ис_ми кўҳ_на жа_
ҳон бо_ши_да бу_лут_лар_ни ёйр_ган бир я_шин,
халқ қал_би_да ю_рибди ти_рик.
Andante
меҳ_нат бахт_да я_ра_тиб бир_лик.
Ле_нин фик_ри ин_қи_лаб ку_раш
о_та_ши_да тоблан_ган пў_лат. У_нинг фик_ри
о_лам_да қу_ёш Дар_ё дар_ё нур тў_кар бе_ҳад
Дар_ё дар_ё нур тў_кар бе_ҳад.

ОЙБЕК

ЛЕНИН ФИКРИ

ҚЎШИҚ

Ленин фикри инқилоб, кураш
Оташида тобланган пўлат.
Унинг фикри оламда қуёш,
Дарё-дарё нур тўкар беҳад.

Чайқалган зўр дарё мавжи у,
Ишчи-деҳқон ҳар он қошида.
Кураш, тўлқин ёнғин иши бу,
Ер курраси унинг бошида.

Исми кўҳна жаҳон бошида
Булутларни йиртган бир яшин.
Халқ қалбида юрибди тирик,
Меҳнат—бахтда яратиб бирлик.

Ленин фикри инқилоб, кураш
Оташида тобланган пўлат.
Унинг фикри оламда қуёш,
Дарё-дарё нур тўкар беҳад.

ЭЛЛАР КУЙЛАЙДИ

Тоғлар қўйнида арча
Барглари парча-парча.
Ленин очган йўл билан
Эрклиққа чиқди барча.

Арик бўйида райҳон,
Райҳонни қилманг пайҳон.
Райҳонларни ўстирган
Ленин яшнатган замон.

Дарё сувида тўлқин,
Ўрдаклар сузар дуркин.
Ҳаётни нурга кўмди
Ленин таратган ёлқин.

Кремлнинг юлдузи —
Ленин бобонинг кўзи.
Омон бўлсин партиям
Йўл кўрсатар ҳар сўзи.

Ленининг ўзи-ўзи,
Узоқни кўрган кўзи
Ҳаммамизга мактабдир
Маърифат тўла сўзи.

Москвадир — бошимиз,
Бахтли қари-ёшимиз.

Озод меҳнат туфайли
Ширин ўсган ошимиз.

Маргилон, Қатағон қишлоқлик Собирахон Охунжонова-дан ёзиб олинди.

* * *

Сув оқару—сув оқар,
Шоввоси дилга ёқар
Ким яхши меҳнат қилса
Ленин ордени тақар.

Бугдой ичида пола,
Мен меҳнатсевар бола,
Ленин декрети билан
Яшнаб кетди чўл, дала.

Ҳалунчагу-қалунчак,
Атрофида гул-чечак.
Ленининг ҳур авлоди
Ишда бўлмас эркичак.

Киров районидаги Киров номли совхоз аъзоси Бўтабой Эркаевдан Н. Даврон ёзиб олган.

ХАЛҚИМИЗ ҚЎШИҚЛАРИДА

Доҳиймиз Владимир Ильич Ленин ҳақида халқ қўшиқлари Россияда 1918 йилданоқ яратила бошлаган. Ўзбек халқ қўшиқларида эса Ленин асосан 1925 йиллардан куйланган. Бу қўшиқлар йиллар оша қўпайган ва такомиллашган. Эргаш Жуманбулбул ўғлининг «Ўртоқ Ленин» достони Ўзбекистонда Ленин ҳақидаги қўшиқлар ёзишнинг камолот босқичи бўлган эди. Мана шу даврдан буён ўтгиз беш йил ўтди. Аммо Ленин ҳақидаги халқ ижоди тобора мавжланиб келмоқда. Агар сиз серҳосил пахта далаларини, обод қишлоқларимизни, йилқи ва чорва ёйилган яйловларни кезсангиз, айни пайтда ҳам Ленин ҳақида янгидан ижод этилган қўшиқларни тинглайсиз.

Халқимиз қўшиқларида Ленин образи тобора мазмунлироқ янграмоқда. Бу қўшиқларда табиат манзараларининг ифодаси, ҳаётий воқеаларнинг рамзи, сўз ўйинлари, ўхшатиш, сифатлаш каби бадиий адабиёт воситалари қўшиқлар ғоясини пишитишга хизмат қилдирилган. Буларда озод ҳаёт учун, бахтли болалик учун, хотин-қизларимиз эрки учун Ленинга, Коммунистлар партиясига ўзбек халқи ўз юрагидаги миннатдорчилигини билдарган. Шунинг билан бирга бу қўшиқлар кишиларни ватанни севишга, ҳалол меҳнатга даъват этади. Афсуски бу қўшиқлар фольклористларимиз томонидан сўнгги ўн йиллар мобайнида ёзиб олинмаётир. Бир вақтлар мунтазам равишда ташкил қилинадиган илмий экспедициялар негадир уюштирилмаётир.

Яқинда мен Фарғона областининг айрим шаҳар ва қишлоқларида бўлиб, халқ оғзаки ижоди бўйича яратилган янги қўшиқларни тингладим ва айримларини ёзиб олдим.

Жумладан, Маргилон шаҳри остонасидаги Қатағон қишлоқ Советида яшовчи колхозчи аёл Собирахон Охунжонова, ёзёвонлик Лолахон Дилмуродова, Ленинград район Кенғас қишлоғида яшовчи винокор уста Сотволди Зиёев, Киров районидаги Киров номли совхоз аъзоси Бўтабой Эркаев, Ўзбекистон районидаги Яйпан қишлоқ советида яшовчи пенсионер Холболта Анорбоев, Норбиби Ҳаққуловалар ҳикматли сўзларни, доҳиймиз Ленин ҳақидаги қўшиқларни айтиб юрувчи сўз санъаткорларидирлар. Булар биргина Фарғона областининг айрим районларида аниқланган ижодкорлар — халқ ижодини кенг халқ оммасига таркатувчи тарғиботчилардир. Республикамизда бундай кишилар юзлаб-минглабдир. Улардан халқ ижоди дурдоналарини йиғиб олиш мумкин.

Ленин таваллудининг 100 йиллиги шарафига Ильич ҳақидаги янги қўшиқларни ёзиб олиб, тўплаш учун илмий экспедициялар уюштирилур деган умиддамиз.

Н. ДАВРОН.

АДАБИЁТ ВА САНЪАТ

ТАБАРРУК ИНСОН

(Боши учинчи бетда)

— Биз маслаҳатлашиб шу қарорга келдик: Сизларни Москвага меҳмон тариқасида юборамиз. Сизларни Туркистон коммунистлари Марказий Комитетининг хотин-қизлар бўлими инструктори Ўртоқ Киселёва олиб боради. Бунга розимисизлар?

— Бир бор эмас, минг бор розимиз!

— Раҳмат. . .

Шундай қилиб, ўлка хотин-қизлар съезди Иззатбибининг таклифи маъқуллан-ши билан тугалланди. Икки кундан сўнг, махсус вагон Ленинни кўриш орзусида бўлган бир группа ўзбек, тожик, қозоқ, туркман, қорақалпоғу қирғиз хотин-қизларини олиб Москвага жўнади.

* * *

. . . Бир куни кечқурун Соловьёва хушхабар келтирди:

— Янгилик дўстлар, суюнчи беринглар! — деди у.— Эртага Ўртоқ Ленинни кўрасизлар!

— Вой, оғзингдан айланай-ей! — хитоб қилди Иззатбиби.

— Шундақа кун ҳам бўларканда-а? — деди суюниб Моҳжамол,— қаерда кўрамиз?

— Ана шу сизлар турган Советларнинг учинчи хонасида, сизларнинг бахтингизга озиқ-овқат ходимларининг съезди очилади. Эртага Ўртоқ Ленин ана шу съездга келади, — деди Соловьёва.

Июнь. Эрталаб. Сокинлик. Офтоб дарахт япроқлари орасидан нур сочиб, аёллар юзига чирой бахш этиб, серқуёш диёрларини ёдларига келтирарди. Туркистонликлар бино олдида Ленин ўтадиган йўлакнинг икки томонида қатор бўлиб турардилар. Кўзлар чақнаган, қалбларда ҳаяжон тўлёён урарди. Шамсиқамар қўлидаги чети ҳошияли рўмолчасининг бир ипак тор-а учини тортиб узаркан, ширин ўй сурарди. Шу пайт йўлдан келаётган машина ўртага келиб тўхтади. Ундан ўрта бўйли, қилдузи иссиқ бир киши тушди.

— Владимир Ильич! — шивирлади Соловьёва.

— Ленин! — деди ҳаяжон билан Моҳжамол.

Лекин, Ўртоқ Ленин! — Ҳидоят қаршисида турган Иззатбибини тирсаги билан оҳиста туртди.

Ленин эски, лекин даҳмол қилинган, яхши тозаланган пинжак кийган, оппоқ ёқа ва костюм рангига мос қора галстук таққан. Хотин-қизлар севинчдан қарсак чалардилар. У кепкасини бошидан олди-да, киссасига солди. Энди ҳамма унинг чеҳрасига кўз тикиб, унинг машаққатли меҳнат таъсирида ранги ўчган юзига, кенг пешанасидаги тарам ажинларига меҳрибонона қарардилар.

Ленин яқинроқ келди ва ҳамма билан самимий саломлашди. Иззатбиби унинг юзи чеккасидаги билинар-билинмас доғга, ғайрат ва фаросат тўла кўзларига тикилди.

Шу лаҳзада қуёш ҳам айни паллани пойлаб тургандек бутлар пардасини ёриб чиқ-ида, Ленининг бутун ҳуссасини нурга чўмди. Унинг бетлари қизғиш, ихчам соқол ва мўйлови тилларанг тусда товланарди. У жозибали, ўтли кўзларини ярим юмган ҳолда жилмаярди.

— Ўртоқлар, хотин-қизлар! Халқ Комиссарлари Совети ва партия Марказий Комитети номидан сизларни жон-дилдан кутлайман, — деди у ва атрофда сўзини ҳаяжон ва ором билан тинглаб турганларга кўз югуртирди. — Ўтган уч ярим йиллик оғир ва шиддатли жангдан сўнг бизнинг тупроғимизда душман армиясининг бирор солдати қолмади.

— Нималар деяптилар, айланай, айтиб бер, ахир? Мен ҳам билиб олай, — зорланди Иззатбиби Ҳидоятга.

— Жон холажон, кейин ҳаммасини айтиб бераман. — Ҳидоят илтимоснамо ҳолатда Муллобоеванинг қўлини қисиб қўйди.

— Бунга биз муяссар бўлдик. — Ленининг ўнг қўл паҳжалари беихтиёр мушта тугилиб, тепага кўтарилганича тўхтаб қолди. — Қишинчилик даврлари ортда қолди. Биз тинчлик ва осойишталикка эришиш учун муҳтожлик, қашшоқлик, хонавайронлик, қурғоқчилик ва очликни енгиб ўтдик. Биз бундан буён ҳам хўжалигимиз ва ишчи-деҳқон ўртасидаги муносабатларни янги тарзда ташкил этишимиз лозим...

— Эй, худо-ей, — яна шивирлади Иззатбиби тоқатсизланиб. — Бу гапларнинг ҳаммаси қандай эсингда туради-ю, менга айтиб берасан-а?

— Бирортасини қолдирмасдан айтиб бераман, — оҳиста илтижо қилди Ҳидоят ва бу орада Ленининг тез айтган бир қанча гапларини эшитмай қолганига афсусланди.

Шу топда Лекин қўлини аёллар томонга маъноли узатди.

— Бу ўринда бизга хотин-қизлар мадади лозим. Чунки аёллар меҳнаткашларнинг ярмини ташкил этади. Республикага сизларнинг мададингиз, ўртоқлар — аёллар мадади керак! Хотин-қизлар терадиган ҳар этак пахта, ўрадиган ҳар боғ буғдой, тўқийдиган ҳар қарич мато — республикага қувватдир. Лекин, айни замонда бу — хотин-қизларни озод қилишнинг ягона йўли ҳамдир. Туркистондаги ҳамма хотин-қизларга айтингларки, биз уларнинг мададларига муштоқмиз!

Ленин меҳрли кўзларини юмиб-очиб, бош иргади ва табассумла кепкасини кийди. Икки қадам илгари юриб, аёллар қаторида турганларнинг энг ёши, гапларини мароқ билан эшитиб, ҳавас билан қараб турган Ҳидоятга назар ташлади.

— Сиз Москвага келганингиздан хурсандмисиз? — сўради Ленин ва бу гапини таржима қилиш учун таржимонга юзланди.

— У рус тилини билади, — деди Соловьёва.

— Чексиз хурсандмиз, Ўртоқ Ленин, — деди Ҳидоят, аммо уялганидан лавлагидек қипқизариб кетди, ерга боқди.

Ленин кўзларини бир оз қисиб, Ҳидоятга синчковлик билан тикиларкан, қизиқиб яна сўради:

— Сизларга, пойтахт ҳадяси тариқасида совга бердиларми?

— Бизлар учун Москвага келишу Сизни кўришнинг ўзи энг қимматли совга, Ўртоқ Ленин, — деди Ҳидоят саволга жавобан.

— Большевиклар Шарқнинг меҳнаткаш хотин-қизлари партиямизнинг айтган сўзларини яхши тушунишларига ва у кўрсатган йўлдан боришларига ҳамма вақт ишонади, — деди Ленин ифтихор ва ҳаяжон билан. — То кўришгунча хайр, Ўртоқлар. Социалистик Ватанимиз мақфаати йўлида қиладиган ишларингнинг барор олишини истайман.

— Саломат бўлинг!

— Мингга киринг!

— Раҳмат. Сизга! — дейишди аёллар олқишлаб. Уларнинг қўллари қарсак чалар, кўзларида севинч ёши ҳалқаланган бўлсада, лабларида табассум порлаб турарди.

Владимир Ильич кетди. Меҳмонлар қайтиб бино ичига кирдилар. Ёш хотин-қизлар қўшиқ айтишар, ўйинга тушишарди.

— Айлакай, дугоналар, энди ўлсам, армонсиз кетаман. Ўртоқ Ленинни кўрдиму муродимга етдим, — деди Иззатбиби Ҳидоятнинг гапларини жон қулоғи билан эшитиб ўтираркан, — ажойиб замона бўлди-да. Ахир, хўжандлик пахта тозаловчи киму, Ленин ким! Бошқа армоним йўқ.

— Йўқ, холажон, — деди Ҳидоят. — Ўлманг. Хотин-қизларга Ўртоқ Ленин нимани кутаётганини айтинг ва айтайлик. Шундайми, холажон?

— Шундай, садақанг кетай, қизим, шундай! — Иззатбиби Ҳидоятни бағрига босиб ўпди...

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР — ПЛАНЕТАМИЗДА

Шаҳар мэри — коммунист

ПАРИЖ. (ТАСС). Коммунист Жан Увре Ушам шаҳрининг (Луар ва Шер департаменти) мэри қилиб сайланди. Сайловларда муниципал кенгаш аъзоларининг аксарияти Франция Компартиясининг номзодини ёқлаб овоз беришди.

РОЖЕРСГА СУИҚАСД ҚИЛИНДИ

ТОКИО. (ТАСС). Токиодаги Ханед аэропортида АҚШ давлат секретари Рожерсга суиқасд қилинди. Рожерс Сеулга кетмоқчи бўлиб, самолётга чиқаётган пайтда бир йигит ханжар билан унга ташланди. Ингитни полициячилар ушлаб олиб, қамаб қўйди. Рожерс шикастланганг йўқ.

ВИЗИТ ТУГАДИ

Сурия Араб Республикаси коммуникацилар министрлигининг министри В. Фейсал бошчилигидаги делегациясининг Ўзбекистонга қилган визити тугади. Меҳмонлар бир неча кун мобайнида алоқа воситалари ва темир йўл транспортининг ўсиши билан танишдилар. Ўзбекистон халқ хўжалигининг мана шу соҳаларига қараши бир қанча корхоналарда бўлдилар.

Суриялик дўстлар Самарқандни зиёрат қилишга бир кун бағишлаб, қадимий шаҳарнинг тарихий обидаларини кўздан кечирдилар. Бутуниттифоқ қорақўйчилик илмий-тадқиқот институтида бўлдилар.

Делегация 2 август куни Москвага жўнаб кетди.

(ЎзТАГ).

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ЭҲКОНОМИКА ЮКСАЛМОҚДА

ХАНОЙ. Вьетнам Демократик Республикаси халқ хўжалигининг 1969 йил биринчи ярмидаги ривожланишига доир матбуотда эълон қилинган кўрсаткичлар мамлакат экономиқаси мустаҳкамланиб бораётганлигидан далолат беради.

Кузда ҳосил ўриб олинадиган шолиқорлик майдони ўтган йилгидан 14 процент ва ўғит ишлаб чиқариш 11 процент кўпайди. Тўқимачилик ва кўнчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳам кўпайди.

Демократик Вьетнамнинг ишчилар синфи катта ютуқларни қўлга киритди. Электр энергия ишлаб чиқариш 38 процент, ёғоч тайёрлаш 13 процент, бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш 12 процент ва ўғит ишлаб чиқариш 11 процент кўпайди. Тўқимачилик ва кўнчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳам кўпайди.

БАЛИҚ ОВЛАШ ФЛОТИ

СОФИЯ. Болгария океанда балиқ овлаш касбини муваффақиятли ривожлантирмоқда. Кейинги беш йил ичида Совет Иттифоқининг ёрдамида балиқ овлайдиган катта флот вужудга келтирилди. Шу кемалар билан Ғарби-жанубий Африка, Канар ороллари ва Шарқий Канада соҳиллари ёнида балиқ овламоқда.

Ҳозирги вақтда Болгариянинг океанларида балиқ овлайдиган 14 та замонавий кемаси ва жами 46.800 тонна юк кўтара оладиган учта транспорт — рефрижератор кемалари бор. Йил бошидан бери океанларда 40 минг тоннадан кўпроқ балиқ овланди.

ЎН МИЛЛИОН ТОННА ШАКАР

ГАВАНА. Куба меҳнаткашларининг касаба союз марказий мамлакат қанд саноатининг ишчиларига мурожаат қилиб, уларни жанубнятки шараф билан бажаришга ва 1970 йилда ўн миллион тонна шакар ишлаб чиқаришга чақирди.

Бу мақсадга эришиш, — дейилади касаба союз марказининг бу ерда эълон қилинган баёнотида, — экономиқамизнинг ривожланишига яхши таъсир қилибгина қолмасдан, шу билан бирга катта сиёсий таъсир кўрсатиши ҳам лозим. «Революцион халқнинг уюшқоқлик ва бунёдкорликка чексиз қодир эканлигини бутун дунёга бизнинг бир марта намойиш қилишимиз мумкин».

МЕҲНАТКАШЛАРГА ҒАМХУРЛИК

ПРАГА. Чехословакияда салқин ва ёмғирли кунлардан кейин хаво очилиб, кунлар исиб кетди. Бу кунлар меҳнаткашлар отпуска оладиган асосий даврга тўғри келди. Юз минглаб ишчи ва хизматчилар дам олиш уйларига ва турист лагерларига жўнаб кетишди. Бу йил мамлакат шифохоналарида икки ярим миллиондан кўпроқ меҳнаткаш ва уларнинг оила аъзолари дам олишади. Ишлаб чиқариш илғорларидан 300 мингга яқин ишига имтиёзли йўлланмалар берилади.

(ТАСС).

СОВЕТ КИШИСИ ЧЕТ ЭЛДА

БЕДУИНЛАР ОРАСИДА

Биз тушган «Волга» дўнглик ва жарликларни ортда қолдириб, саҳро йўлидан секин б о р а р д и. «Мерседес» учун бу йўл унча маъқул бўлмади шекилли, анча орқада қолди.

Биз кучайтирилган ҳарбий полиция отрядлари қўриқлаб турган чорраҳадан ўтиб, шарқ томонга бурилдик-да, мамлакат ичкарисига йўл олдик. Сўнгги вақтларда Исроил артиллерияминомёт отишмалари ўлим ва вайронгарчилик уруғини сочиб тинимсиз янграётган жой-ўт очишни тўхтатиш чизиғи, биздан нари борса 20-25 километр орқада қолди.

Биз фронтнинг қарамақарши томонига, ашар қабиласидан бўлган бедуинлар қароргоҳига кетяпмиз. Бу ерда ҳосилни йиғиштириш ишлари айни авжида. Қабила шайхи Ноиф Хрейша яқинда совет комбайнларини сотиб олган эди, бизни унинг қандай ишлаётгани билан таништирмоқ таклиф этишди.

Бу ердаги «Автоэкспорт», «Тракторэкспорт» ва бошқа кўпгина бутуниттифоқ савдо бирлашмаларининг вакили, СССР савдо аппаратининг катта инженери Олег Иванович Полянский Иордания далаларида совет машиналари пайдо бўлиши тарихини сўзлаб берди.

Дастлаб кўпчилик иордания ликлар совет машиналарига ишончсизлик билан қарардилар. Аммо улар «МТЗ-50» белорус трактори ишларини кўргандан кейин шубҳалар йўқолди. «Белорусь» фақат шведларнинг «Волво» ёки инглизларнинг «Месси—Фергюсон»ларигина эмас, балки бу ерларда жуда кенг тарқалган Америкаларнинг «Форд» фирмаси ишлаб чиқарган улкан тракторлардан ҳам устун эканлигини намойиш қилди. Ҳозир Иордания далаларида юзга яқин «Белорусь» маркали совет тракторлари ишламоқда. Бундан салгина илгари «Ростсельмаш» заводидан «СК-4» маркали комбайнларнинг биринчи синов партияси келтирилди.

Бир киши томонидан бошқариладиган ва бир йўла ўнлаб фаллоҳнинг меҳнатини бажарадиган агрегат ўтроқ бедуинларнинг ҳам диққатини ўзига тортди. Улар шу заҳотиёқ бизнинг учта комбайнимизни сотиб олдилар. Харид пайтида анъанавий маросим ва одатларни бажо келтириш ҳам эсдан чиққани йўқ. Дастлаб бир қўй сўйишиб, унинг қонини машинанинг энг муҳим қисмларига суртиб чиқдилар. Кексаларнинг эътиқодига кўра, бундай қурбонлик машинанинг узоқ йиллар ишлашини таъминлар экан. Янги техникани ёмон кўздан асраш учун ҳар бир комбайн орқасига бир жуфтдан болаларнинг эски ботинкасини осиб қўйишди...

Бедуинлар манзилида бизни энг азиз меҳмондек кутиб олишди. Улкан кигиз чодирлар олдига гулхан ёқишиб, янги партўшаклар солишди. Тўрга, кекса шайх ёнига савдо маслаҳатчиси Алексей Васильевич Захаров ўтирди. Шайхнинг катта ўғиллари даврада ўтирганларнинг ҳаммасига гулханда қайнатилган хушбўй чойдан бердилар. Қисқа суҳбатдан кейин нотекис далада жадал ишлаётган комбайн томонга қараб йўл олдик. Бедуинлар чеҳрасида қувноқ табассум. Агрегат ишидан ҳамма мамнун.

...Совет комбайнлари Иордания далаларига илк қадамларини қўйди.

С. УХАЧЕВ. (АПН).

АЛЛО! — АЛЛО!

ФЕЛЬЕТОН

«Инсон ва машина» темаси кўпгина буржуазия ёзувчиларини ўзига жалб қилиб келмоқда. Ушбу фельетоннинг автори Билл Воон ҳам шу темага мурожаат қилган. Бу ерда гап аввало буржуазия жамиятида таҳдир ихтиёрига ташлаб қўйилган инсон ҳақида эканини тушуниш қийин эмас. Бунинг учун эса техника тараққиётини айблаб бўлмайди.

— Алло, «Сатфорд» савдо фирмасими?

— «Сатфорд» савдо фирмаси гапиряпти. Сизнинг истагингиз — биз учун қонун. Сиз ҳозир магнитофон ёзувини эшитяпсиз. Ҳозир сигнал берамиз. Сигнални эшитгач, бир дақиқа кутиб, буюртмангизни айтаверинг. (Гудок эшитилади. Сўнгра анчагина жимлик чўкади) Бизга кўнгирок қилганингиз учун раҳмат. Сиз ҳозир магнитофон сўзини эшитяпсиз.

— Илтимос, яна бир қайтаринг.

—«Сатфорд» савдо фирмаси гапир...

— Бас қилсангиз-чи! (четга). Ҳой, франсин, бу ёққа келгин. Мен телефонда жонли одамга тушиб қолдим! Ҳудо ҳаққи, ҳазиллашаётганим йўқ! Мана, эшитиб кўргина...

— «Сатфорд» савдо фирмаси гапиряпти. Сизнинг истагингиз — биз учун қонун, Сиз ҳозир магнитофон сўзини эшитяпсиз...

— Қўйсангиз-чи! Сиз жонли одамсиз. Ҳа, ҳа, чинакам одамсиз. Мен трубкадан нафас олишингизни ҳам эшитяпман. (четга). Франсин, унинг ҳансирашини сен ҳам эшитяпсан-а? «Ишонмайман» деганинг нимаси? Ахир мен беш йилдан бери телефон орқали бунақанги ҳансирашни ҳеч ким эшитмагандим-ку.

— Мен сизни танидим. Сиз Сатфорд оқсоқолсиз. Қайфингиз жуда чоғми дейман. Мунча хасис бўлмасангиз. Магнитофонни мундоқ тузатсангиз бўлмайдими? (четга). Нима, у «Сатфорд оқсоқолга ўхшамайди» деганинг нимаси? Ахир мен у билан тез-тез кегли ўйнаб турамаи-ку. Унинг худди шунақа ҳансираши ҳамон эсимда.

— Биласизми, Сатфорд, жуда ҳаддан ошиб кетяпсиз. (Трубкани тарақлатиб қўяди).

— Алло полиция. Сизга маълум қилмоқчиманки, қандайдир Сатфорд деган бир чол менга қарши душманлик фаолияти олиб бораяпти.

— Полиция участкаси гапиряпти. Сигнал эшитилгандан сўнг шикоятингиз мазмунини баён қилинг. Сиз ҳозир магнитофон сўзини эшитяпсиз.

— Кленси? Сержант Кленси, ўзингизмисиз!? Мен нафас олишингизни шундоққина эшитиб турибман. Демак сиз ҳам магнитофон ёзувини рўкач қиляпсиз, шундаймми? Йўқ, сизлар ҳаммаларинг мени ақлдан оздириш учун келишиб олгансизлар. Франсин, психиатрга кўнгироқ қил. Чақирдингми?! Нима?! Магнитофон жавоб берди деяпсанми?! Жинни бўлсанг, доктор ўзини магнитофон қилиб кўрсатгандир.

Билл ВООН.

«За рубежом»дан.

БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. Видинск округининг Дунавци қишлоғидаги бу кўча худди шаҳарни эслатади. Кўча бўйидаги барча уй-жой ва жамоатчилик бинолари халқ ҳокимияти йилларида қурилган.

БТА—ТАСС фотоси.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ЗИДДИЯТ БЕЛГИСИ ОСТИДА

Японияда газеталар экономика ва савдо масалалари билан шуғулланувчи Япония—Америка комитетининг 29 июлда Токиода сессияси очилганлигини хабар қилиб, АҚШ билан Япония ўртасидаги иқтисодий зиддиятлар ҳеч қачон ҳозиргидек кескинлашмаган эди, бу кескинликни «янги Япония ва Америка урушы» деб атаса арзийди деган фикрларни ёздилар.

Бу гапда, эҳтимол, муболаға бўлиши мумкин. Бироқ зиддиятлар ҳақиқатан шу қадар кескинлашиб кетдики, буни жуда юксак доирада бартараф қилишга тўғри келиб қолди. АҚШ давлат секретари У. Рожерс президент Р. Никсон билан Осиё мамлакатлари бўйлаб қилаётган сафарини тўхтатиб, Токиога келди. У Американинг икки министрини ҳам ўз ичига олган делегацияга бошчилик қилади. Музокараларда Япония томонидан ташқи ишлар министри К. Аити ва ҳукуматнинг бошқа икки аъзоси қатнашади.

Ҳозир Япония фақат Осиёдагина эмас, шу билан бирга ҳатто Қўшма Штатларнинг ўзидаги бозорларда ҳам савдосотиқ ишларида АҚШнинг энг кучли рақиби бўлиб қолди. Шу сабабли Америка монополиялари ва уларнинг АҚШ ҳукуматидаги вакиллари Японияннинг Қўшма Штатларга мол юборишини чеклатиб қўйишга ҳаракат қилмоқдалар. Шу билан бир вақтда Америка монополиялари Америка молларининг Японияга келтирилишини чеклаб қўйган қарорларни Япония ҳукуматининг бекор қилишини истайдилар.

Америкаликларнинг бу талабларига японлар қаршилик кўрсатмоқдалар. Япония газеталарининг хабарларида айтилишича, АҚШнинг бундай даъволарини Япония ташқи савдо ва саноат министри М. Охирва комитет мажлисларида «ўринсиз» даъволар деб айтди.

С. ФРОЛКИН, (ТАСС).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Концерт. 9.30 — Шарқ куйлари. 10.10 — «Табассум» радиожурнали. 11.35 — Шўх концерт. 12.15 — «Эрталабки салом» (Москва). 13.30 — Концерт (темирйўлчилар учун). 15.00 — Темирйўлчилар кунига бағишланган эшиттириш ва концерт. 15.50 — «Олмалик зарбдори». 16.10 — «Кичик шаҳзода» (русча). 17.40 — Экран янгиликлари. 18.00 — «Музикали глобус». 18.40 — Қўшиқлар. 19.20 — Концерт (халқ талантлари). 20.00 — «Ешлик» радиостанцияси. 20.30 — Қўшиқ ва рақслар. 21.00 — «Мамлакат ва қитъалар». 21.10 — Концерт (дала меҳнаткашлари учун). 22.20 — «Табассум» радиожурнали (такрорий эшиттириш). 23.20 — Футбол. «Локомотив» (Москва) — «Пахтакор» (Москвадан олиб эшиттирилади).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — **Кўрсатишлар программаси.** 10.00 — **Гимнастика ҳамма учун** (ўзбек тилида).

Рус тилида: 10.20 — **Горнлар чорлайди** (болалар учун). 10.50 — **Илья Муромец** (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 12.20 — **Тоғлар қўйнида** (болалар учун). 12.50 — **Том тоғанинг кулбаси** (болалар учун телетеатр). 13.55 — **Кўрсатишлар программаси.** 17.00 — **Студентлик — олтин даврим** («Ешлик» студияси). 18.00 — **«Ахборот» информацион программаси** (рус тилида). 18.30 — **Темирйўлчилар кунига бағишланган эшиттириш.** 19.30 — **Эрначчасига гаплашиш** (бадиий фильм, рус тилида). 21.05 — **Кўрсатишлар программаси.** 21.10 — **«Ахборот» информацион программаси.** 22.00 — **Кулги нечаси.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

12.00 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.45 дан — **Фрунзе кўрсатади.**

4 АВГУСТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 — **Кўрсатишлар программаси.** 18.35 — **Концерт** (болалар учун, ўзбек тилида).

Рус тилида: 19.15 — **Телеянгиликлар.** 19.30 — **Совет Армияси жангчилари учун эшиттириш.** 19.50 — Ўзбек Совет поэзияси саҳифалари. **Мақсуд Шайхзода.** 20.15 — **Кўрсатишлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.20 — **Телеянгиликлар.** 20.35 — **Юқори ҳосил ўсталари.** 20.50 — **Н. В. Гоголь. Иван Иванович билан Иван Никифорович ораларида ўтган жанжал баёни** (телевизион театр). 22.15 — **Севимли кино артистлари Александр Демьянко.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

12.55 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 18.00 — **Буратино ва Тёпа ҳамда конфетти қандай тайёрланиши ҳақида** (телефильм, болалар учун). 18.25 — **А. С. Пушкин. Дубровский** (бадиий фильм). 20.00 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Душанба кўрсатади.**

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/VIII да **Катта концерт.** 4/VIII да **Кимга тўй, кимга аза.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Юлдузсиз сельва — «ЎЗБЕКИСТОН». «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Сокин кварталдаги котиллик — «ЧАЙКА». НАВОИЙ номли, «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Кор аёл ҳақида афсона — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Разведначилар (эрталаб соат 9-45 минутда). **Бомбай тун оғушида** (кундуз ва кечқурун) — САНЪАТ САРОЙИ.

Доктор Абст тажрибаси — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11-45, кундуз 1-30, 3-15 минут ва 5 да).

Шошилинч ниҳоқ — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Сангам (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз соат 4-20 минутда,

ЕЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10-40 минутда бошланади)

Дзюдо даҳоси — ТЕЛЬМАН номли.

Сокин кварталдаги қотиллик — «ФЕСТИВАЛЬ».

Икки ўринли қафас — «ХИВА».

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ
(Киров кўчаси, эски универмаг ёнида)

ТЕЗ КУНДА

МАВСУМНИНГ ОЧИЛИШИ

Тошкентда биринчи марта венгер цирки артистларининг гастроллари.

ТОШКЕНТ ТЕАТР-РАССОМЧИЛИК ИНСТИТУТИ

қуйидаги вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ПРОФЕССОРЛАР: КПСС тарихи, рассомчилик, саҳна нутқи;

ДОЦЕНТЛАР: расм, санъат тарихи ва назарияси, скульптура, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм (ўзбек тилида), марксча-ленинча фалсафа, фалсафа тарихи, вокал, актёрлик маҳорати ва режиссура, театршунослик ва киношунослик, СССР тарихи;

КАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР: СССР тарихи, расм, театр-декоратив рассомлик, рассомлик, китоб графикаси, саноат графикаси, интерьер лойиҳаси ва макети, монументаль-декоратив санъат композицияси ихтисоси бўйича архитектор, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм (ўзбек тилида), марксча-ленинча фалсафа, фалсафа тарихи, вокал, актёрлик маҳорати ва режиссура, театршунослик ва киношунослик, жисмоний тарбия;

ЎҚИТУВЧИЛАР: расм, рассомлик, китоб графикаси, саноат графикаси, монументал-декоратив санъат композицияси ихтисоси бўйича архитектор, интерьер лойиҳаси ва макети, фортепьяно мутахассислиги бўйича музика фанлари кафедрасига ўқитувчи, музика тарихи ва назарияси (ўзбек тилида), вокал, миллий группаларда рус тили, саҳна нутқи (туркман ва ўзбек тилларида), марксча-ленинча фалсафа, театршунослик ва киношунослик, жисмоний тарбия, актёрлик маҳорати ва режиссура (ўзбек тилида).

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ярим ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Г. Лопатин кўчаси, 77-уй, кадрлар бўлими.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 28. Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 339333, Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331216. Халқаро ҳаёт — 337904. Коммунистик тарбия — 331455. Саноат, иқтисод қурилиш ва транспорт — 334760. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 337221. Фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347. Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 333553. Иллюстрация — 331524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85, Бухоро 43—141, Қарши 22—82, Наманган 21—88, Нукус 42—62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55.

№ Б. — 179. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633 Р. 01611.